



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 12 апрель, № 72 (9243)

Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОННИНГ ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ МИНТАҚАДА БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 11 апрель куни амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.



Олий мартабали меҳмонни Бухоро халқаро аэропортида давлатимиз раҳбари кутиб олди.

Миллий куй-қўшиқ ва рақслардан иборат тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортиди.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида қўшни давлатлар, хусусан, Қозоғистон билан муносабатлар сифат жиҳатдан янги bosқичга кўтарилди. Икки қардош мамлакат ўртасидаги алоқалар нафақат стратегик шериклик, балки чин маънодаги иттифоқчилик тамойиллари асосида мустақамланаётган. Бу эса минтақада барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашнинг энг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик руҳидаги ушбу яқинлик халқларимизнинг тарихий ҳамда маънавий илдизлари муштараклигига асосланади. Давлатларимиз раҳбарларининг сиёсий иродаси тўғрисида чегаралар дўстлик ва ҳамкорлик кўпригига айланди. Иқтисодий ва маданий алоқалар изчиллик касб этди.

Мазкур амалий ташриф ҳам икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик кун тартибини янада кенгайтириш ва келажақдаги устувор йўналишларни белгилаб олиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Ўзбекистон ва Қозоғистон нафақат иқтисодий шериклар, балки умумий тақдир ва келажаги бир бўлган, минтақавий яхлитликни таъминловчи қудратли куч сифатида намоён бўлмоқда.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан биргаликда Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилди.

Қадимий Бухородан 12 километр узоқликда жойлашган мажмуа минтақадаги энг муҳим зиёратгоҳлардан бири ҳисобланади. Бу ерда XIV асрнинг йирик уламоси — нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд дафн этилган.

Ўзбек ва қозоқ халқларининг дини, маънавий қадриятлари бир. Юртимизда яшаган

авлиё ва алломалар Қозоғистонда ҳам эъзозланади. Буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанд ана шундай сиймолардан бирidir. Ансамбль асрлар давомида шаклланган бўлиб, бугунги кунда унинг таркибида мақбара, Абдулазизхон томонидан зиёратчилар учун қурилган хонақоҳ, иккита масжид, шайбонийлар, аштархонийлар ва манғитлар сулоалари амирлари дафн этилган дахма, шунингдек, сўфийлик тарихига бағишланган музей ўрин олган.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан мажмуа янада обод қилиниб, тарихий қиёфаси тикланди. Аввало, Тоқи миёна дарвозасидан борувчи тарихий йўлак қайта таъмирланди. Тоқи миёна дарвозасининг икки ёни боққа айлантилган. Музей ва тахоратхона барпо этилган. Манғитлар сулоласига мансуб бўлган Бухоро оталиғи Дониёлбий қурдирган мадраса таъмирланмоқда.

Ташриф давомида Қуръон оятлари тиловат қилиниб, қардош халқларимизга тинчлик ва фаровонлик тилаб, дуо ўқилди. Бухоро шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — Қозоғистон дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда мустақамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Музокаралар аввалида давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президенти янги Конституцияга бўйича референдум муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади. Худудларда мунтазам равишда норасмий учрашувлар ўтказиш яхши анъанага айланиб, икки томонлама ва минтақавий кун тартибидagi долзарб масалаларни очик ҳамда конструктив муҳокама этишга хизмат қилаятгани таъкидланди.

Ўтган йил ноябрь ойида Қозоғистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида эришилган келишувларнинг амалий натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Барча даражалардаги алоқалар, жумладан, ҳукуматлараро ва парламентлараро ҳамкорлик фаоллашди.

Товар айирбошлаш барқарор ўсиб, ўтган йили 5 миллиард долларга етди. Автомобил-созлик, инфратузилмани ривожлантириш, логистика, электротехника, қурилиш материаллари ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Кимё, геология, энергетика, автомобиллар учун бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалардаги бир қатор янги ташаббуслар қўриб чиқилди.

Транспорт ва логистика соҳасида ўзаро боғлиқликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чегараолди инфратузилмани модернизация қилиш, тўсиқларни бартараф этиш ва ташқи бозорларга чиқишни таъминлайдиган самарали транспорт йўлақларини яратиш бўйича қўшма чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, томонлар “Қамбарота” гидро-электр станцияси қурилиши каби йирик минтақавий лойиҳаларни жадаллаштириш ва “яшил” энергия экспорти бўйича ташаббусларни илгари суриш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Сув ресурсларидан оқилонга фойдаланиш ва минтақавий экологик ташаббусларни илгари суриш, шу жумладан, чегарадош худудларда “Тоза ҳаво” лойиҳаларини амалга ошириш бўйича биргаликда ишлаш муҳимлиги қайд этилди.

Етакчилар инновация ва юқори технология соҳаларда, жумладан, космик технологиялар, рақамлаштириш, электрон тижорат ва стартапларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга интилиш қатъийлигини билдирдилар.

Маданий-гуманитар алмашинувларни фаоллаштириш, жумладан, маданият кунлари, ёшлар форумларини ўтказиш, креатив иқтисодиёт ва туризм соҳасидаги ҳамкорликни мустақамлашга келишиб олинди.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари

ри юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Учрашув давомида бош вазирлар ўринбосарларининг савдо-иқтисодий кун тартибининг долзарб жиҳатлари, жумладан, яқин истиқболда ўзаро савдони 10 миллиард долларга етказиш борасида кўрилаётган чоралар бўйича ҳисоботлари тингланди.

Музокара якунида ҳукуматларга эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилиш топширилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Бухоро вилояти ҳокимлиги ситуацион маркази фаолияти билан танишдилар.

Мамлакатимизда жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органлари ишини уларни ягона манзилда жамланган ҳолда ташкил этишга қаратилган маҳаллий давлат бошқаруvinинг янги модели изчил жорий этилмоқда. Бундай ёндашув идоралар фаолиятининг ўзаро мувофиқлашувини ошириш, қарорлар қабул қилишни тезлаштириш ва аҳолини ўйлантираётган муаммоларни янада самаралироқ ҳал қилишга хизмат қилади.

Вилоят бошқаруvinинг интеллектуал ўзга-гига айланган замонавий ситуацион марказ Бухоронинг янги маъмурий марказида ташкил этилди. Бу ерда дастлабки bosқичда вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси ҳамда бошқа тузилмалар жойлашган.

Марказда ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан тортиб, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, коммунал ва транспорт инфратузилмаси, жамоат хавфсизлиги ҳолати, фуқаролар муҳофазатлари билан ишлаш-гача, умуман, вилоят ҳаётининг барча жабҳалари бўйича маълумотлар реал вақт режимида шаклланади, қайта ишланади ва тизимли равишда таҳлил қилинади.

Олий мартабали меҳмонга марказнинг худудлар кесимида вазиятни комплекс мониторинг қилиш, муаммолари нукталарни барвақт аниқлаш, жойлардаги иш самардорлигини холис баҳолаш ва белгиланган вазифаларнинг бажарилишини қатъий назорат қилиш бўйича имкониятлари аниқ мисоллар асосида кўрсатиб берилди.

Шундан сўнг етакчилар ҳокимлик ходимлари учун яратилган шароитларни кўздан кечирдилар. Янги бино замонавий иш жойлари, мажлислар заллари, рақамли инфратузилма билан жиҳозланиб, давлат идораларининг самарали ва уйғун бўлиб ишлаши учун барча зарур қўлайликлар таъминланган.

Ташриф давомида Қозоғистон Президентига ноёб архив материалларининг нусхалари ҳам кўрсатилди. Бу Ўзбекистонда аниқланган, Туркистонда жойлашган Хожа Аҳмад Яссавий ва Мирзо Улугбекнинг қизи Робия Султонбегим мақбараларига алоқадор 1920 — 1950 йилларга оид қimmatли ҳужжатлар, чизмалар ва фотоматериаллардир.

Қардош қозоқ халқига ҳурмат белгиси сифатида ушбу архив ҳужжатларининг нусхалари Қозоғистон томонига ҳадя қилинди.

Ҳозирги кунга қадар аксарияти илмий муомалага киритилмаган бу материаллар катта тарихий ва илмий аҳамиятга эга экани қайд этилди. Ноёб меъморчилик ёдгорликлари бўлган Аҳмад Яссавий ва Робия Султонбегим мақбаралари Марказий Осиё халқларининг умумий тарихий-маданий меросида алоҳида ўрин тутгани таъкидланди.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Бухоро шаҳрининг универсал спорт мажмуасида ўтказилаётган “National AI Hackathon” — сунъий интеллект бўйича умуммиллий ҳақатонга ташриф буюрдилар.

Ушбу тадбир давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистонда сунъий интеллект экотизимини ривожлантириш бўйича амалга

оширилаётган изчил сиёсат доирасида ташкил этилди.

Етакчиларга рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш борасидаги ишлар натижалари тақдирот қилинди. Хусусан, “Рақамли ҳукумат” тизими, транспорт, боххона, солиқ, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, энергетика, геология, қурилиш ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларидаги ечимларни ўз ичига олган рақамли трансформация жараёнлари ҳақида ахборот берилди.

Мазкур соҳаларни рақамлаштириш давлат бошқаруви самардорлигини ошириш ва аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистон стартапларини қўллаб-қувватлаш ҳамда илгари суриш экотизими тақдирот бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари “KPI-COM”, “OSON”, “DATOX” ва бошқа истиқболли стартап лойиҳалари фаолияти билан танишдилар ҳамда уларнинг ташаббускорлари билан мулоқот қилдилар.

Миллий ва хорижий акселераторлар, жумладан, “UZUM”, “TBC Bank”, “Aloqabank”, “HUMO”, “UZCARD” фаолияти тўғрисида маълумотлар тингланди.

Венчур инфратузилмасини янада ривожлантириш ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш муҳимлиги таъкидланди.

Банк соҳасининг ютуқлари, хусусан, рақамли банк хизматлари ва замонавий тўлов ечимларининг ривожига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарларига ҳақатон ўтказиш концепцияси ва иштирокчиларнинг турли соҳалардаги долзарб муаммоларни ҳал қилишга қаратилган лойиҳалари тақдирот этилди.

Очиқ мулоқот давомида ёшларда мазкур соҳага қизиқиши юқорилиги, йигит-қизларнинг ижодий салоҳияти ва сунъий интеллект технологияларини амалий қўллашга бўлган иштиёқи юқори баҳоланди.

Ташриф якунида Президентлар ҳақатон иштирокчилари ва стартап ҳамжамияти вакиллари билан эсдалик учун суратга тушдилар.

Давлат раҳбарлари Бухоро шаҳрида рақобатбардош тайёр махсулотларни ишлаб чиқаришнинг тўлиқ занжирини йўлга қўйган “Нигора” компаниясига ташриф буюрдилар.

Ушбу лойиҳанинг қиймати 35 миллион долларни ташкил қилиб, 2024 йил август ойида муваффақиятли ишга туширилган. Бу ерда 840 нафар ходим иш билан таъминланган, уларнинг аксариятини аёллар ташкил этади.

Япония, Италия, Бельгия ва Германиядан келтирилган юқори технологик ускуналар халқаро бозорларда дадил рақобатлашиш ҳамда ҳар йили 20 миллион погон метр тайёр мато ва 1 миллион донга тўқимачилик махсулоти ишлаб чиқариш имконини беради.

Президентларга тайёр кийим-кечак ва матолар намуналари намойиш этилди. “Shoigui” бренди остида ишлаб чиқарилаётган махсулотлар, асосан, Европа мамлакатларига, хусусан, Италия, Австрия, Буюк Британия ва Германияга экспорт қилинмоқда.

Давлат раҳбарлари компаниянинг йиллик экспортни 10 миллион долларга олиб чиқиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда келгусида синтетик тола ва аралаш матодан тайёр махсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режаларини юксак баҳоладилар.

Тадбирлар якунланган, олий мартабали меҳмонни Бухоро халқаро аэропортида давлатимиз раҳбари кузатиб қўйди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бухоро вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
Икром АВВАЛБЕКОВ,  
Зариф КОМИЛОВ,  
ЎЗА махсус мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Бугун — Бутунжаҳон авиация ва космонавтика куни

## КОСМИК ТАДҚИҚОТЛАР ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Тараққиёт жадал тус олаётган бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг қудрати табиий бойликлари билан эмас, халқнинг интеллектуал салоҳияти ва юксак технологиялардан фойдаланиш қобилияти билан баҳоланади тобора аён бўлиб бормоқда. Айниқса, бу борада космик билим ва технологияларни қўллаш самарадорлиги стратегия аҳамиятга эга йўналишлардан бирига айланди.

Космик соҳа тараққиёти иқтисодий лойиҳаларни кенгайтириш, табиий ресурсларни оқилонга бошқариш, иқлим

ўзгаришлари оқибатини юмшатишда муҳим ўрин тутди. Шу боис юртимизда мазкур тармоқ равнақига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасида космик фаолиятни ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони бу борада янги bosқични бошлаб берди. Фармон асосида Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги — “Ўзбеккосмос” ташкил этилиб, давлат космик мониторинги ишга туширилди.



## ИҚТИСОДИЁТДА ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Йил якунига қадар:

<p><b>Шу йил бошидан мамлакатимиздаги 9 та вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга республика бюджетидан қўшимча 2,3 триллион сўм ва 500 миллион доллар маблағ йўналтирилди.</b></p>	<p><b>Гавжум кўчалар, соҳилбўйи ва йўлбўйи инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун жами 1,2 триллион сўм;</b></p>	<p><b>туризм салоҳияти юқори бўлган 150 та маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун 450 миллиард сўм;</b></p>	<p><b>400 та маҳаллада 50 та микросаноат марказини ташкил қилиш учун 150 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.</b></p>
--	--	--	---

Инфляцияни жорий йилда 6-6,5 фоиз доирасида сақлаб қолиш чораларни кўрилади.

Конференция

КУН ТАРТИБИДА – МИГРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси А. Эшмуратов Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган “МДХ давлатларининг умумий миграция мақоми: замонавий таҳдидлар ва ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этди.



Тадбирда қатор хорижий давлатлар парламентлари аъзолари, халқаро ташкилотларнинг минтақавий ваколатхоналари вакиллари, олимлар ҳамда соҳа мутахассислари қатнашди.

Анжуман давомида глобаллашув, технологик тараққиёт ва мобилликнинг янги шакллари миграция жараёнларида таъсир кўрсатаётгани қайта баҳолаш зарурлиги айтилди.

Шунингдек, ўзарувчан иқтисодий шароитда хавфсиз ва инсонпарвар миграция муҳитини яратиш, ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш, соҳани рақамлаштириш, ноқонуний муҳожирлар оқимиغا қарши курашиш ҳамда уларнинг эҳтиёжманд қатламига ҳимоя қилиш, гуманитар қўллаб-қувватлашни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда мураккаб геосийосий шароитда мажбурий ва назорат қилинмайдиган миграция ҳамда унга боғлиқ ноқонуний фаолият кучайиб бораётгани, янги таҳдидлар пайдо бўлаётгани таъкидланди.

Шу муносабат билан МДХ мамлакатлари миллий миграция қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириб, муҳожирлар ҳуқуқлари, бизнес манфаатлари ва давлат вазифалари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш зарурлиги айтилди.

Яқунда иштирокчилар парламентлараро ҳамкорликни кенгайтириш ва қўшма ташаббусларни амалга ошириш бўйича яқдил фикр билдирди.

Сенаторлар — ҳудудларда

ҲУҚУҚРОЛАР МУАММОЛАРИГА ЕЧИМ ИЗЛАНДИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Одижон Маматқаримов Наманган вилоятида бўлиб, қатор тадбирларда қатнашди.

Хусусан, Наманган давлат техника университетидида “Яшил макон” умумий миллий лойиҳаси доирасида “Зиёлилар боғи”да қўчат экиш ишларида бевосита иштирок этди.

Тадбир давомида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш ва ёшлар ўртасида экологик маданиятни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, сенатор иштирокида сайёр қабул ташкил этилди. Унда фуқароларнинг муносабатлари тингланган, уларни қўллаб-қувватлаш масалаларига ечим изланди.

Мурожаатлар юзасидан тегишли чоратадбирлар белгиланиб, масалаларни қонуний ҳал қилиш бўйича масъул ташкилотларга аниқ тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

МАРРАЛАРИМИЗ – УЛУҒ, НИЯТЛАРИМИЗ – ЭЗГУ



Ўзбекистон Республикасининг асосий миллий байрами Мустақиллик кунидир. Президентимизнинг ушбу муқаддас айём муносабати билан қабул қилган Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини муносиб нишонлашга оид қарори эса бизни истиқлолнинг мазмун-моҳиятини янада чуқур англаш, унинг қадрига етиш ва халқимиз онгига сингдиришга даъват этади.

Шукрона

“Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил”, дейди доно халқимиз. Бугунги дориламон кунларда мустақил тузум даврини эслар эканмиз — деворлари нурай бошлаган, қишда совуқ мактаб ва касалхоналар, декабрь ойини бир дона ҳам чигит қолмаган далаларда ўтказганимиз, оддий кундалик истеъмол маҳсулотлари учун ҳам соатлаб навбат-

га турганларимиз кўз ўнгимиздан ўтади.

Армияга кетаётган йигитларни худди урушга кетаётгандек, негадир йиғлаб-сиқтаб қузатганларимиз бот-бот ёдимга тушаверади. Масалан, акам йигитлик бурчини ўтаётганда онажоним телеграфга бориб, туллари ўша ерда қолганлари, боз устига жи-гаргўшаси билан гапласолмай қайтганларини яхши эслаيمان.

Кейинчалик ўзим ҳам фарзандимни ҳарбий хизматга қузатдим. Аммо мустақиллик шарофати билан онам бошидан ўтказган изтиробларни ҳис қилмадим. Чунки кўнглим тинч, хавотирим йўқ эди.

Оналаримиз ҳарбийга жўнатган ўғилларининг манзилга яхши етиб борганини билиш учун ойлаб бир энлик хат қутишгани ҳам бор гап. Афғонга фарзандини жўнатган оналар хавотирини ку, асти сўраманг.

Бугун биз, катта авлоднинг бу гапларига набираларимиз ишонимайди, чунки улар бўм-бўш пештахталарни кўришган эмас. Улар қишли-қировли кунларда пахта теришмаган, ғўзалар ташимаган... Аксинча, бугун фарзандларимиз дунёни ўзига қаратмоқда. Шахматда дунёни лол қолдирган Жавоҳирларимиз, тенгсиз боксчи Баҳодирларимиз, халқаро фан олимпиадаларининг ўнлаб ғолиблари Ўзбекистонни жаҳонга танитапти. Минг шукри, буларнинг барчаси Мустақиллик туғайлидир.

Бугунги фараҳбахш кунлар ота-боболаримиз учун орзу эди. Янги Ўзбекистонда эса ҳамма соҳада танлаш имконияти бор. Касб-хўнарни, ишни, ўқишни, автомобилдан тортиб уй-жойгача, егуликкача танлаб-танлаб оламиз.

Кунги кеча Президентимиз қарори билан 30 нафар чин етимга Қашқадарё вилояти ҳокими янги хонадонлар қалитларини топширар экан, инсон қадри-қимматини юксалтириш, кўп



миллатли юртимизда дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, меҳр-оқибат, миллий урф-одат ҳамда анъаналарни асраб-авайлашга катта эътибор берилётгани ҳар биримизнинг юрагимизни тўлқинлантирди. Мамлакатимиздаги барча ўзғаришларнинг асосини, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Инсон қадри учун” тамойили ташкил этмоқда. Шунинг учун ҳам бугун инсон қадрига эътибор катта.

Юртбошимиз барча даражадаги раҳбарлар ёшларни тил ва касб-хўнарга ўргатиш, спортга жалб этиш, уларни ишла ҳамда даромадли қилиш бўйича янада фаол ишлаш, бирорта йигит-қизни эътиборсиз қолдирмаслик зарурлигини бот-бот ўқитяпти. Ана шу топшириқлар ихроси доирасида Ўзбекистонда биринчи бўлиб Қашқадарё вилоятида Германиянинг “Proscia GmbH” компанияси билан ҳамкорликда ёшларни немис тилига ўқитиб, тартибли миграцияга юбориш маркази очилди.

Ушбу марказ орқали Европада меҳнат миграциясига кетмоқчи бўлган фуқароларимиз учун тайин маош, иш, яшаш жойи ва тиббий суғурта кафолатланаяпти.

Бугун ишлайсан деганга хоҳлаганча иш ўринлари тақдир қилинмоқда.

Мустақилликнинг шиддатли ислохотлари самараси ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадон, ҳар бир инсон ҳаётида сезилаяпти. Ҳамма соҳада кўзни қувонтирадиган ўзгариш — ҳаётдан рози бўлиб яшаш учун барча имконият муҳайё.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги нишонланаётган қутлуғ йилда ҳам мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жуда катта режалар белгиланди. Марраларимиз улуг, ниятларимиз эзгу.

Минглаб қурилиш, ободонлаштириш ишлари юртдошларимиз фаровонлигига хизмат қилаётди. Ушбу улуг айёмни кўтаринки руҳда қутиб олаётган қашқадарликлар “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” сўзларини дилларига маҳкам туғиб, баланд орзулар рўёби учун шадду шиддат билан дадил одимламоқда. Зеро, шоир айтганидек, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор...

Шундай экан, бу осойишта, тинч, озов ва обод, фаровон кунларнинг қадрига етиб, шукрона айтиб, Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшиш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Комила КАРИМОВА, Республика Мазъанова ва маръифат маркази Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари, сенатор.

Учрашув

Қўшма лойиҳаларда ёшлар иштироки кенгайди

Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда Европа Иттифоқи ҳузуридаги Ёшлар маслаҳат кенгаши вакиллари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.



Мулоқотда ёшларнинг парламент институционал ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда қўшма лойиҳалар-

ни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Ёшлар маслаҳат кенгаши фаолияти ҳақида маълумот берилди.

Мазкур маслаҳат платформаси Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги ҳамкорлик дастурларида ёшлар фикрини шакллантиришга хизмат қилади.

Учрашув якунида ёшлар дипломатияси, парламентлараро мулоқот ва халқаро майдонлардаги қўшма лойиҳаларда йигит-қизлар иштирокини кенгайтириш, шунингдек, келгусида қатор қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Шу йил 27 январь куни Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз томонидан устувор вазифалар белгилаб берилган эди.

Кунги кеча унинг доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги ишчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича қонунчиликни янада мукамаллаштириш, амалдаги ҳуқуқий нормаларни қайта кўриб чиқиш ва замонавий талаблар асосида такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан Президент топириқлари ихросини таъминлаш доирасида жойларда амалий ўрганишлар ҳам олиб борилаётгани қайда айтилди. Хусусан, депутатлар томонидан Тошкент шаҳрининг 6 та — Чилонзор, Юнусobod, Олмазор, Яққасарой, Яшнобод, Мирзо Улуғбек туманларида жиноятчилик ҳолати, унинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитлари атрофида ўрганилди.

Мазкур жараёнда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимида мавжуд муаммолар, профилактика ишларининг самарадорлиги, маҳалла ва соҳавий идоралар ўртасидаги ҳамкорлик ҳолати таҳлилга тортилди. Олинган натижалар қонунчиликни янада такомиллаштиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

Йиғилиш давомида “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга қаратилган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Қонунчилик палатаси депутатлари мазкур йўналишдаги ишлар Президентимиз топириқларидан келиб чиққан ҳолда тизимли равишда амалга оширилаётгани, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган самарали механизмларни қўллаш устувор аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади.

Ишчи гуруҳ томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, шунингдек, манфаатдор вазирлик ва идоралар, соҳа мутахассислари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, илгор хорижий тажрибани таҳлил қилиш ҳамда пухта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Йиғилиш якунида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини янада такомиллаштириш орқали жамиятда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган комплекс ёндашувни шакллантириш муҳим вазифа сифатида белгиланди.

«Халқ сўзи».

ЎзХДП фракцияси: ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР ВА ҚАТЪИЙ ПОЗИЦИЯ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сўл ғояларни қўллаб-қувватловчи фракция сифатида партиянинг Сайловолди дастурида илгарчи сурилган ғоя ва ташаббусларни амалга ошириш, ижтимоий соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни

Таҳлил

Биринчи чорак давомида фракция йиғилишларида 106 та масала кўриб чиқилди. Уларнинг 77 таси қонун лойиҳалари, 21 таси тарғибот ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, 8 таси назорат-таҳлил ишлари ҳамда депутатларнинг сайлов округларидаги фаолиятига оид масалалардир.

Фракция қонун меъёрларининг халқчиллигини таъминлаш, уларда партия электро-рати манфаатларини тўлиқ акс эттириш мақсадида қонун лойиҳаларини янгича “марказ — вилоят — туман” тизими асосида партия кўйи бўғинларида ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларида муҳокама қилиб, мунтазам равишда уларнинг тақдирларини олиб келмоқда.

Муқаддас ЎРАЗАЛИЕВА, ЎзХДП фракцияси аъзоси



— Биз партия кўйи бўғинлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда 10 га яқин қонун лойиҳаларининг жойлардаги муҳока-масини ташкил этдик. Мулоқотларда партия фаоллари ва кенг жамоатчилик томонидан билдирилган 20 дан ортиқ тақдирлар қонун лойиҳаларига киритилиши уларнинг янада халқчил ва ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қилди.

Фракция ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш, пенсионерлар ҳамда ноғиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, сайловчилардан келиб тушаётган мурожаатларни тизимли ҳал

такомиллаштириш, сайловчилар билан мулоқотни кучайтириш, жойларда фуқароларни ўйлантириб келаётган тизимли муаммоларни таҳлил қилиш ҳамда ижро органлари фаолияти устидан парламент назоратини ўрнатish бўйича 2026 йил учун устувор вазифаларни белгилаб олган.

етишни устувор йўналиш сифатида белгилаган.

2026 йилнинг биринчи чорагида фракция аъзолари сайлов округларида 244 та учрашув ўтказиб, 12 мингга яқин фуқаролар билан тўғридан-тўғри мулоқотлар ташкил этди. Мулоқотлар давомида аҳоли вакилларидан 300 га яқин мурожаатлар қабул қилинган.

Зокиржон ЗОХИДОВ, ЎзХДП фракцияси аъзоси



— Худудлардаги учрашувларда сайловчилардан, асосан, ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш ёки реконструкция қилиш, бандлик, таълим, уй-жой олиш ва соғлиқни сақлашга оид мурожаатлар бўлади. Ҳар бир мурожаатнинг юзга келиши ўзига хос сабабларга боғлиқ. Шунинг учун улар алоҳида ёндашувни талаб қилади. Биз биринчи чоракда келиб тушган мурожаатларнинг 30 фоиздан ортигини жойида ҳал этдик. Лекин баъзи масалаларга чора топишда кенг қамровли таҳлил ва кўпроқ вақт сарфланади. Бунда масъул идоралар вакиллари билан ҳам фикр-мулоҳаза алмашишга тўғри келади. Шундай мурожаатларга депутатлик сўровлари орқали ечим топиш чораларини кўряптим.

Йил бошидан бери фракция томонидан “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва давлат дастурларининг худудлардаги ихроси, олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлиги, одамлар кундалик ҳаётида дуч келаётган ижтимоий масалалар ўрганилиб, доимий таҳлил қилинмоқда. Мазкур йўналишда 2026 йилнинг биринчи чорагида республика бўйлаб 728 та маҳаллада аҳоли билан

Иба НАРИЗОВА, ЎзХДП фракцияси аъзоси



— Ўрганишлар натижасида шакланган долзарб масалаларни муҳокама қилиш ва тизимли ечимлар ишлаб чиқиш мақсадида фракция аъзолари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, мутасадди ташкилотлар ва экспертлар иштирокида жамоатчилик эшитувлари ташкил этилди. Ҳозирча 15 та шундай тадбир ўтказдик. Натижалар яхши. Бундай эшитувлар аҳоли мурожаатларини, худудлардаги долзарб ижтимоий масалаларни институционал асосда кўриб чиқиб, уларга ижобий ечим топишда қўллаб-қувватлаш янги механизм эканини айтиш мумкин.

Ўзбекистон ХДП фракцияси парламентдаги муҳолифат сифатида қонун лойиҳаларининг электротар маффаатларига тўғридан-тўғри хизмат қилишини таъминлашда конструктив позициясини қатъий кўрсатиб келмоқда.

Ўтган даврда фракциянинг конструктив тақдирлари 10 дан ортиқ қонун лойиҳаларида ўз аксини топди. Шу билан бирга, фракциянинг эътирозлари билан 2 та қонун лойиҳаси кўмитага қайта ишлашга қайтарилди.

Фурдавс ШАРИПОВ, ЎзХДП фракцияси раҳбари ўринбосари

— Фракциямиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сўл ғояларни қўллаб-қувватлов-

# ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ МАКОНИДА МУҲИМ ПЛАТФОРМА



Мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб ўтказилаётган медиахафталик 6 — 10 апрель кунлари Хоразм вилоятининг медиа соҳаси вакиллари катта олдди. Унда 50 дан зиёд матбуот котиблари ва ахборот хизмати ходимлари, давлат ҳамда нодавлат телеканалларида ишлаётган 60 нафар ижодкор, босма ва интернет ОАВнинг 30 дан ортқ вакиллари, 50 нафар маҳаллий блогер, 200 дан зиёд мобилографлар, 250 нафар "SMM" мутахассиси ҳамда контент яратишга қизиқувчи 300 нафар йигит-қиз қатнашди.

## Медиахафталик

Айтиш жоизки, мазкур лойиҳанинг асосий мақсади — глобал ахборот маконида рақобатбардош, замонавий талаб ва мезонларга жавоб бера оладиган контент яратувчиларни кўпайтириш, медиа соҳасида янги авлод профессионаллари шакллантиришдан иборат.

Шу маънода, Урганч шаҳридаги Ёшлар маркази заллари бир ҳафта мобайнида оддий тренинг жойи эмас, балки фикрлар тўқнашган, гоёлар тугилган ва контент реал вақтда яратилган жонли майдонга айланди. Зеро, медиахафталик доирасида ташкил этилган машғулот-

лар мазмунан кенг қамровли бўлиб, уларда назарий билимлар билан бир қаторда амалий кўникмаларга алоҳида ургу берилди. Хусусан, стратегик коммуникация, антикризис PR ва репутация бошқаруви, фактчекнинг ва фейк хабарларга қарши курашиш усуллари, сунъий интеллект асосида контент яратиш, визуал сторителлинг, мобилография, ижтимоий тармоқлар алгоритмлари билан ишлаш каби йўналишлар бўйича иш-тирокчиларга замонавий билим ва тажрибалар етказилди. Айниқса, сунъий интеллект технологиялари билан фойдаланишга қаратилган ама-

лий сессиялар медиа соҳасида янги ёндашувларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди.

— Медиахафталик давомида замонавий медиамаконда сифатли контент яратишнинг янги услубларини ўрганиш, касбий билим ва малакасини ошириш, — дейди Богот тумани ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Миржалол Бахтиёров. — Уқув-семинарлар, тренинг ва маҳорат дарсларида медиамўҳитда қандай фикрлаш ҳамда қандай ишлаш

ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази директори Қобилжон Аҳмедов, Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Сафдуллаев ва бошқалар сўзга чиқиб, миллий медиамакондаги ўзгаришлар, юртимиздаги бунёдкорлик ҳамда яратувчилик ишларини, ислохотлар жараёнини ифодалаган контентлар яратиш, ахборот хавфсизлиги ва соҳа ривожига билан боғлиқ масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.



кераклигини, контент яратишнинг маъсулиятини хис қилдик.

Ҳафталик якунида ўтказилган медиафорум эса ушбу жараёнинг энг йирик нуқтасига айланиб, 1000 дан зиёд медиа вакиллари ва ёшларни бир майдонда бириштирди. Анжунда Ўзбекистон Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий

Яқунда семинарларда фаол қатнашган теле, радио, газета журналистлари, блогерлар ва медиа соҳа ходимлари ҳамда ёш қатнашчиларга махсус сертификатлар тантанали равишда топширилди.

Одилбек ОДАМБОВЕВ («Халқ сўзи»)

# Боқий сатрлар «Газета – ақл қайроғи, тафаккур чироғи, ижод қаймоғи, юрак қийноғи»



Бу ҳикматомуз иқтибос «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг биринчи Бош муҳаррири, атоқли журналист Аҳмаджон Мухторовга мансуб. Матбуотни инсон ақлини ўткирлайдиган, дунёқарашини нурантирадиган, ижоднинг энг сара намуналарини жамлайдиган ва катта меҳнат, руҳий қувват эвазига яратиладиган муқаддас минбар деб билган ижодкор ҳаёт бўлганида бу йил 90 баҳорни кутиб оларди.

Аҳмаджон Мухторов ёзган мақолаларнинг жонли руҳи, раван тил ва услуби, ўткир фикр-мулоҳазалари боис имзосини ўқимасданок муаллифини таниш мумкин эди. Аҳмаджон Гуломзода, Аҳмади Мухтор, Аҳмаджон Мухторов номи билан нашр этилган ҳар бир материал Ватанга муҳаббат, унинг келажаги учун жонқуярлик туйғуси билан суғорилган, бу чиқишларда мавжуд муаммолар теран таҳлил қилинган, уларни самарали ҳал этиш йўллари кўрсатиб берилган.

Кўйида журналистика соҳасида катта мактаб яратган моҳир публицист қаламига мансуб ижод намуналаридан бирини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

## АССАЛОМ!

Авалло, ассалому алайкум, азизлар! «Ва алайкум ассалом» ингиз учун ташаккур, дўстлар!

Саломдан сўнг алқисса англашилиб маълум бўлганим, аларни арабчадан ўзбекчага ўғирмакка журъат этсак, биринчиси, «тинчлик, бехатарлик, саломатлик сизга» деган истакка, иккинчиси эса саломни қабул қилувчининг «сизга ҳам тинчлик, бехатарлик, саломатлик» деган жавоби хайрихоҳини англатади. Биринчи бўлиб, таомилга кўра, сиздан кичик ҳисобланмиш камини камтарин (қўлимиз кўксимизда, албатта,) синди муборақат улғуворимизга, яъни сизга тавозе ила салом берди ва сиз табаррук бузругимиз (қўлингиз кўксингизда, албатта,) мамнуният ила алик олдингиз. Энди бемалол сўраб-сўрашсак, суҳбат айласак ижозат: дастлаб салом, сўнгра калом.

Ассалом, қилбағоҳ! Ассалом, волидам меҳрибон! Ассалом, оғои муҳтарам, опаи мукаррам! Ассалом, ёри кишвар! Ассалом, дўсту биродар! Ассалом, устози киром! Ассалом, жамики неки поклар! Ассалом, эй ёруғ олам! Ассалом, она сийнасидек мўътабар Ватан! Ассалом, осойиш! Ҳаммага, жумлаи жаҳонга ассалом!

Салом бериб, дунё эшигидан кирдим — иззату икром топдим. Салом бериб, аифони кўлга олдим — онгим ёришди. Салом бериб, илму маърифат даргоҳига қадам қўйдим — тилсимлар сандиғи очилди. Салом бериб, устозга қўл чўздим — илтифот баҳридан баҳраманд этди. Салом бериб, дўстга юз тутдим — кадрдонлар даврасига қўшилдим. Салом бериб, меҳнат баридан ушладим — юзимни мунаваар қилди. Салом бериб, қаламга таъзимда бўлдим — илҳом париси мени ижод гулшанига бошлади. Салом бериб, кунларни, ҳафталарни, ойлару йилларни қаршиладим — соңга оқ оралай-ораламай бобо мен...

Каттага — салом, кичикка — салом! Дўстга — салом, майли рақибга ҳам салом! Уннга — салом, сўлга — салом! Кўёшга — салом, Ойга — салом, юлдузга — салом! Самога — салом, ерга — салом! Оловга — салом, сувга — салом! Гулга — салом! Баригинасига — салом, ассалом! Салом бердилар — алик олдим, салом

бермадилар — салом бердим. Саломимга алик олмадилар — салом уволга қолмасин, деб ўзим алик қайтардим. Эртақулар афсоналардаги дўстлар, ялмоғизлар оғзидан чиққан, «Ҳақ саломинг бўлмаса, икки йилдан бир ютардим» деган сўзлар ҳикматини тушундим: саломни қанда қилмадим, у мени балолардан, қазолардан, офатлардан сақлади. Лекин баъзилар саломни писанд этмадилар, елга учирдилар, кўкка соғурдилар, ўтга солдилар, сувга чўктирдилар, оёқ ости қилдилар. Қўлини боғладилар, ўққаю тўтга тутдилар, қилч дамидан ўтказдилар, қонга беладилар, жаҳаннам қаърига улқотқилдилар. У қаддини букмади, эзилмади, эғилмади, енгилмади, ўлмади — омонлигича қолаверди. Унга қасд қилганлар дўзах азобига дучор бўлдилар. Нега?! Чунки салом пок эди, маъсум эди. У ҳақ эди, ҳақиқат эди. У буюк эди...

Салом галаба қозонди. Уни яна музаффар қурол қилиб олдим. Салом бериб, конлар очдим, чўллар, дарёлар, денгизлар, уммонларни забт этдим. Салом бериб, шаҳарлар қурдим. Салом бериб, тўкин, сахий, туганмас, очик дастурхон бунёд этдим. Салом бериб, самога, юлдузларга, оёга суҳбатдош бўлдим. Салом бериб, тинчлик байроғини даст кўтардим. Етти иқлим афкорларига салом бердим, салом эшитдим, алик олдим ва алик эшитдим.

Салом билан тонг отар, кун ўтар, тун келар. Салом билан кулар табиат, яшнар қаналар, кулф урар гуллар. Салом билан чиқалар уйғоқ, ўлкалар уйғоқ, халқлар уйғоқ. Салом билан туғилар бугун, туғилар келажак. «Салом!» деган қудратли сўз ақсадо миллионлар қалбига жаранлар, уларни ягона, метиндек мустақкам, қудратли мушга, адалат, эзгулик, дориламонлик гурзисига айлантирар, у зўрлик, урушқоқлик, разолат ва қабохатни, албатта, янчиб ташлар. Ана шунда — сарҳадлар битиб, элар, элатлар қардош, биродар, дўсту ёр бўлганда, ҳамма бир оилага биришган онда — жафо зулмидан озод инсоният қаддини ростлаб, қўқрак кериб, мағрур хитоб айлар:

Ассалом, тинчлик! Ассалом, янги замон!

## Соҳибқирон сиймосига эҳтиром

Мамлакатимизда Соҳибқирон таваллудининг 690 йиллиги муносабати билан эълон қилинган «Амир Темур ойлиги» доирасида Самарқанд вилоятида ҳам кенг кўламли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

### Шуқуқ

Хусусан, Тойлоқ туманида Амир Темур боғи замонавий қиёфада фойдаланишга топширилди. Уртақчилик маҳалласида жойлашган мазкур боғ ҳудуди тубдан ободонлаштирилиб, унинг марказида қад ростлаган Амир Темур ҳайкали қайта таъмирланди. Натижада ҳудуд эстетик жиҳатдан янада жозибадор масканга айланди.

Маросим давомида Амир Темур ҳайкали тантанали равишда очилиб, унинг улғувор сиймоси пойга гуллар қўйилди.

Боғнинг очилишига бағишланган тадбирда вилоят ва туман ҳокимлиги ходимлари, туманнинг олимлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда ёшлар қатнашиб, Соҳибқирон меросининг тарбиявий аҳамияти хусусида фикр билдирди.



Тойлоқ туманида ушбу тадбирнинг ўтказилиши ҳамда Амир Темур боғи ва ҳайкалининг очилиши бежиз эмас. Соҳибқирон бобомиз яратган машҳур боғларнинг бири ҳам айнан шу туманда бўлган.

Мазкур боғ ҳудудига, шунингдек, Амир Темур музейи ҳам ташкил этилган бўлиб, ундан жой олган экспонатлар орасида қадимий қўлёзма, меҳнат ва уй-рўзгор буюмлари, Соҳибқирон даврига оид турмуш

тарзини акс эттирувчи буюмлар алоҳида эътиборни тортади.

Тадбирда «Турон» театр жамоасининг «Темур тузуклари» асарини асосида сахна кўриниши, мактаб ўқувчилари ҳамда туман маданият бўлими ходимлари томонидан тайёрланган бадиий чиқишлар намойиш этилиб, йигилганларга байрамона кайфият улашилди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»)

# ЖАСУРЛИК, ҚАТЪИЯТ ВА ДОНИШМАНДЛИК

## Амир Темурнинг юксак инсоний фазилатлари ҳаммамиз учун ўрнатқ

Буюк саркарда, улкан давлат арбоби, илм-фан, санъат ва маданият ҳомийси бўлган Амир Темур ҳамда унинг авлодлари қолдирган бой мерос асрлар оша инсонларга хизмат қилмоқда. Улуғ бобоклонимизнинг ҳаёт йўли, сўнмас сиймоси ва жасоратлари нафақат маҳаллий, балки хоржилик темуршунос олимлар, шоир-ёзувчиларнинг доимий эътиборида бўлиб, бугунгача минглаб тадқиқотлар ҳамда юзлаб бадиий асарларга мавзу ва илҳом бериб келаётди. Хусусан, ўтган қарийб 700 йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб Европа тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса мингга яқин йирик тарихий асарлар ёзилган.

Биз қўйида ана шундай ишларга ўз хиссасини қўшиб келаётган хоржилик олимлардан фикр-мулоҳазалар ёзиб олдик.

### Дунё нигоҳи

Илгор ТУРКЎҒЛИ, Дунё туркларининг координация маркази раҳбари, «Интеллектуал ҳуқуқ маркази» директори (Озарбайжон):

— Басариёт тарихида жуда кўплаб давлатлар, империялар, қудратли подшоҳлару саркардалар ўтган. Амир Темур ҳамда сўз кетар экан, ҳеч бир муволафасиз «Буюк ва адалотли шахс» деган калом тилимига келлади. Муҳим жиҳати шундаки, ушбу баҳони Соҳибқиронга тарих ва инсониятнинг ўзи берган. Бунинг сабаби не дея ўйга толсак, англаймизки, Амир Темур ўзида юксак инсоний фазилатларни мужассам этган, қатъият, жасур ва донишманд инсон бўлган. Маълумки, Соҳибқирон қуриш, барпо

қилиш гоёлари билан вояга етган халқ фарзанди, табиатан бунёдкор бўлиб туғилган беназир киши бўлган. «...Амр этдимки, — дея ёзади у ўз «Тузуқлари»да, — катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар би қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсунлар, фақуру мискинларга лангархона (мусофирхона) солсунлар, Басариёт учун шифохона қурдирсунлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласунлар. Ҳар бир шаҳарда дорул-аморат (ҳукмдор саройи) ва дорул-адалат (адалат саройи) курсунлар...»

Дарҳақиқат, бунёдкорлик Амир Темур даврида давлат сиёсати даражасига кўтарилган. У нафақат ўз мамлакатини, балки бошқа юртларда ҳам қурилиш, кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширгани бунинг яққол далилидир. Аввалига салтанат пойтахти — Самарқандни дунёнинг энг обод ва фаровон кентига айлантирган. Унинг даврида мамлакатда йўллар кенгайтирилди, кўприklar солинди, рабботлар тикланди, бозорлар орасталанди, турли-туман бинолар

қад кўтарди, боғлар яшнади. Бунга мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шарафиддин Али Яздий ўз асарларида «Соҳибқирон ҳар ердиким, иморатқа қобил ер кўрса эрди, ул ерда албатта бир иморат солур эрди...», дея ёзар экан, унинг бунёдкорлик ишларини алоҳида эътироф этган.

Амир Темур қурган мажмуалару боғлар бугун авлодларга гурур, қалбларга ҳайрат ва фараҳ бағишлаб келмоқда. Бу муаззам мерос ҳали кўп асрлар оша яшашига шубҳа йўқ.

Али Усмон ҚОРАТЎЙ, Эге университети қошидаги Турк дунёси тадқиқотлари институти профессори (Туркия):

— Буюк француз тарихшуноси Луи-Матьё Лангль Соҳибқирон ҳақида ёзар экан, шундай қайд этади: «Амир Темур олимларга хайрихоҳ муносабатда бўлар ва билими билан ҳалоллигини кўрган олимларга ишонарди. У тарихчи ва файласуфлар, илм-фан ва маъмурий соҳада билимдон бўлган кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтидан ҳам тушар эди. Амир Темур ўзидаги кишиларни бўйсундириш қобилиятига уларни ўз ҳукмронлиги остида бахтиёр қилиш истеъдодини ҳам қўшган».



Тарихий манбалар гувоҳлик беришича, Соҳибқирон олимларга алоҳида меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни доим ўзига яқин тутган. Уламолару фозилларга тўқис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан муқаддам кўрган. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, икрому хурматини изҳор этган. Шунингдек, Амир Темур қандай хунар ва касб бўлмасин, агар унда бирон фазилат ва шарофат бўлса, уларга гоётада меҳр қўйган.

Соҳибқироннинг ҳузурда доимий илмий жамоа фаолият олиб борган. Ўз даврининг турли фан соҳаларида етакчилик қилган ва сермахсул ижод этган олимларни суҳбатига чақириб, илмий мажлислар ўтказган, уларнинг кўпчилигини ўз ҳомийлигида Самарқандга юборган. Буларнинг барчаси илмий муҳитнинг ривожига ҳамда турли фан соҳаларининг кейинги даврлардаги тараққиётига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг бундай оқилона ҳаракатларидан бир нарсани илғаш мумкин, қайсики мамлакатда илм-фан ва маданият тараққиёти учун пойдевор яратилса, олимлару ижодкорларга имконият берилса, бу фақат ва фақат шу ўлканнинг порлоқ эртаси учун хизмат қилади. Бунинг хозирги кунда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳаётбахш ўзгаришлар яққол кўрсатиб турибди.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.



Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 15 январдаги «Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида китоб ўқишга қизиқишни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқмоқда.

Ушбу қарорга мувофиқ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан маҳалла фуқаролар йиғинларида «Китоб бурчаклари» ташкил этиш, шунингдек, «Оилавий китобхонлик» дастури доирасида турли танлов ҳамда тадбирларни ўтказишга қаратилган ташаббуслар алоҳида эътиборга лойиқ. Бу борада, айниқса, ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Хусусан, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Фарғона, Тошкент вилоятлари, шунингдек, пойтахтимиздаги жами 100 та маҳаллада китобхонликни тарғиб этишга қаратилган лойиҳалар аҳоли томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Эътиборлиси, ушбу ташаббус доирасида бугунги кунга қадар аҳолига ҳуқуқий, бадиий, илмий-оммабоп ҳамда энциклопедик йўналишдаги 10 мингдан ортқ китоблар етказиб берилди. Бу эса китобхонлик муҳитини шакллантириш ва унинг қамровини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётди.

Шубҳасиз, бундай хайрли ташаббусларнинг аҳоли, айниқса, ёш авлод дунёқарашини кенгайтириш, уларни билимий ҳамда юксак маънавиятга қилиб тарбиялашдаги ўрни беқиёс. Зеро, китоб инсонни мустақил фикрлашга, таҳлил этиш ва ҳаётда тўғри қарор қабул қилишга ўргатувчи беқиёс манбадир.

«Халқ сўзи».

«Юксалиш» ҳаракати томонидан ёшларнинг билим ва тафаккурини ривожлантириш, уларни илм-фан ҳамда маърифатга йўналтириш мақсадида «Зиёли келажак» лойиҳаси йўлга қўйилди.

# КОСМИК ТАДҚИҚОТЛАР ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



## Орзулар рўёби сари қадам

Президентимиз шу йил 16 февраль куни космосга сунъий йўлдош учирши ҳамда биринчи миллий фазогирни тайёрлаш бўйича дастлабки ишлар тақдими билан танишди.

— Бу шунчаки рамзий қадам эмас, балки мамлакатимиз илмий салоҳияти, ёшларимиз орзуси ва миллий гуруримиз ифодаси бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Таъкидланишича, ўтган йиллар мобайнида космик фаолият билан боғлиқ хоржи давлатлар тажрибаси ўрганилиб, бўлажак сунъий йўлдошнинг аниқлиги ва фойдали юкларига доир техник талаблар кўриб чиқилган. Тақдиротда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан илмий-технологик салоҳияти ошириш доирасида биринчи миллий илмий сунъий йўлдошни яратиш лойиҳаси бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва муҳандислик жамоасини шакллантириш, 2028 йилда “Мирзо Улугбек” номи “6U” форматдаги илмий сунъий йўлдошни учирши таклифи илгари сурилди. Биринчи миллий космонавтни тайёрлаш ва унинг парвози стратегик вазифа сифатида белгиланди. Шунингдек, космик соҳада таълим экотизимини яратиш, космик тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш, йўлдошли алоқа технологияларини жорий этиш орқали мамлакатимизнинг олис ҳудудларида алоқа қамровини ошириш масалалари яна бир бор таҳлилдан ўтказилди.

“Ўзбеккосмос” агентлиги бош мутахассиси Жаҳонгир Каримовнинг айтишича, мактабларда, ўрта махсус ва олий ўқув юртиларида тахсил олаётган ёшларни космик таълимга қизиқтириш мақсадида босқичма-босқич иш олиб боришмоқда. Соҳага қизиқувчи, ихтирочи ёшлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Масалан, сўнгги 3-4 йил мобайнида NASA билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирларда 500 нафардан зиёд ёшлар муваффақиятли қатнашди.

Президентимизнинг 2024 йил 14 октябрдаги “2024 — 2026 йилларда иқтисодий тармоқларида аэрокосмик технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида кўра, иқтисодий тармоқларидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича самарадорлиқни оширишга қаратилган давлат космик мониторингининг устувор йўналишлари белгиланган бўлиб, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, экология, телекоммуникация, геология-

қидирув, картография, метеорология, сейсмология ва шахарсозлик соҳалари самарадорлигини кўтариш имконига эга бўлган ерни масофадан туриб зондлаш, йўлдош алоқа, навигация тизимлари каби космик тадқиқотлар ўтказиш йўлга қўйилди. Космик фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва маълумотини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Айтиш кераки, ҳозир космик мониторинг билан ўндан зиёд давлат идоралари ва ҳокимликлар шуғулланыпти. Сўнгги беш йилда масофадан зондлаш маълумотларига талаб уч қарра ошган. Чунки сунъий йўлдошлар орқали маълумот йиғиши ва улардан амалиётда фойдаланиш “кўз билан кўриб бўлмайдиган” иқти-

транспорт ҳамда меҳмонхона инфратузилмаси, хавфсизлик масалалари билан яқиндан танишилди.

— Кристиан Файхтингер Ўзбекистоннинг илмий салоҳияти, ёшларнинг космик фанларга қизиқиши ҳамда инфратузилмани ривожлантириш борасидаги ташаббусларини юқори баҳолади, — дейди Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги директорининг ўринбосари Мухиддин Ибрагимов. — 2025 йилда Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги Халқаро астронавтика конгрессида қабул қилинган қарорга кўра, 2028 йилда мазкур нуфузли конгресс Самарқанд шаҳрида ўтказила-диган бўлди. Бу Ўзбекистоннинг аэрокосмик сиёсати ва илмий салоҳияти халқор микёсда эътироф

ди. Бу эса геология, ер муносабатлари, экология соҳаларидаги тартиб-бузарликларнинг олдини олишга имкон беради.

## Янги иқтисодий имкониятлар калити

2025 йил 16 октябрда давлатимиз раҳбари ҳузурда космик мониторинг орқали янги иқтисодий имкониятларни аниқлаш юзасидан таклифлар тақдимотида айтилганидек, эндиликда космик маълумотлар сунъий интеллект ёрдамида таҳлил этилади. Дарахлар кесилиши, метан газ сизиб чиқиши, қуёш панелларининг самарадорлиги, йўл қопламаси ҳолати, темир йўл ва электр тармоқларидаги носозликлар ҳамда ортиқча юкларни аниқлаш ишлари шу асосда йўлга қўйилади.

Маълумки, юртимизда ҳар йили юзлаб фойдали қазилма конлари ва карьерлар аукционга чиқариляпти. Шунга қарамай, конлардан руҳсатсиз фойдаланиш муаммоси ҳанузгача ўз ечимини топмаяпти. 2025 йилда космик мониторинг ёрдамида 2 мингдан зиёд шундай ҳолатлар аниқланган.

Сўнгги йилларда ўзбошимчилик билан қурилган 1 млн. 365 мингта уй-жойга кадастр расмийлаштириб берилган бўлишига қарамастан, бундай ноқонуний қурилишларга ҳалигача тўлиқ барҳам берилгани йўқ. Шу муносабат билан ноқонуний қурилиш ҳолатларини тезкор ўрганиш ва бартараф этиш имконини берадиган тизим йўлга қўйилди. Космик мониторинг асосида жойларда бўш турган ерларни аниқлаш ва иқтисодий активга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2025 йил 30 сентябрда қабул қилинган “Иқтисодий тармоқларида аэрокосмик маълумотлардан фойдаланишни кенгайтириш ва қишлоқ ҳўжалиги кўйи бўғинида бошқарув тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармонида мувофиқ жорий йилдан бошлаб ер қарьидан ўзбошимчилик билан фойдаланиш, жумладан, руҳсатномада кўрсатилган ҳудуддан ташқарига чиқиш, ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш ҳамда уларда бино ва иншоотлар қуриш, мавжуд чикиндиларни саклаш жойларида белгиланган ҳудуддан ташқарига чиқиш, шунингдек, ноқонуний янги чикинди зоналарининг вужудга келиши ҳолатларини аниқлаш мақсадида агентлик томонидан йилгига камида уч марта давлат космик мониторинги ўтказила-



“Тақдиротда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан илмий-технологик салоҳиятини ошириш доирасида биринчи миллий илмий сунъий йўлдошни яратиш лойиҳаси бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва муҳандислик жамоасини шакллантириш, 2028 йилда “Мирзо Улугбек” номи “6U” форматдаги илмий сунъий йўлдошни учирши таклифи илгари сурилди.”

содий имкониятларни аниқлаб, уларни реал даромад манбаига айлантиради. Масалан, “Ўзбеккосмос” ўтган йиллар мобайнида сунъий интеллект ёрдамида ер қарьидан ноқонуний фойдаланиш ва руҳсатсиз қурилиш билан боғлиқ 43 мингдан зиёд ҳолатларни аниқлаган ва шу асосда тегишли чоралар қўлланилган.

## Юртимиз — Халқаро астронавтика конгресси мезбони

Президентимиз фармонида мамлакатимизнинг Халқаро астронавтика конгрессида мезбонлик қилиши масаласи ҳам кўзда тутилди. Ушбу тадбирни Ўзбекистонда ўтказиш бўйича мавжуд шарт-шароитлар Халқаро астронавтика федерацияси ижрочи директори Кристиан Файхтингер томонидан ўрганиб чиқилди ва моддий-техник база,

этилаётганидан далолатдир. Шу билан бирга, мазкур воқеали нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун космик соҳада янги даврни бошлаб беради.

Сиднейда бўлиб ўтган конгрессда Европа, Осиё ва Америка космик агентликлари билан стратегик учрашувлар ўтказилиб, космик мониторинг, қишлоқ ҳўжалиги ва экология соҳаларида рақамли технологияларни қўллаш бўйича қўшма лойиҳалар муҳокама қилинди. Яна бир нарсани таъкидлаш кераки, мазкур конгресс Австралия иқтисодиётига қарийб 27 млн. АҚШ доллари миқдорига даромад олиб келди. Самарқандда ўтказиладиган конгрессда 10 мингдан зиёд хоржи меҳмонлар қатнашиши кутилмоқда. Бу эса космик тармоқни янада ривожлантиришга туртки бўли-

## Ютуқлардан тинч мақсадда фойдаланилади

Ўзбекистон Республикасининг космик тармоғини янада ривожлантириш бўйича тасдиқланган “Йўл харитаси”га кўра, 2024 йил 10 октябрда Президентимиз томонидан “Космик фазо, шу жумладан, Ой ва бошқа самовий jismlарни тадқиқ қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатларнинг фаолият тамойиллари тўғрисида”ги шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида”ги Қонун имзоланди. Ҳўш, ушбу шартномага қўшилиш Ўзбекистон учун қандай халқаро космик ҳуқуқларни тақдим этади?

Шартнома 114 давлат билан ҳамкорликда ҳеч қандай босимларсиз космик фазо ва самовий jismlарни тадқиқ қилиш ва улардан тинч мақсадда фойдаланиш, ортиқча тўсиқсиз эркин тарзда илмий тадқиқотлар ўтказиш, бу борада давлатлараро тенгликка эга бўлиш, учирилган космик объектлар ва экипаж устидан юрисдикция ҳамда назоратни сақлаб қолиш, соҳада технологиялар трансферини жадаллаштириш каби имкониятларни беради.

Бинобарин, космик тадқиқот ютуқларидан тинч мақсадда фойдаланиш мамлакатларнинг ер-сув ресурсларини оқилона бошқариш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишда муҳим ўрин тутди. Бу борадаги жараёнлар “Космик фазо, шу жумладан, Ой ва бошқа самовий jismlарни тадқиқ қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатларнинг фаолият тамойиллари тўғрисида”ги шартнома асосида амалга оширилади.

Соҳани ривожлантириш ва аэрокосмик технологияларни жорий этиш эса юртимиз иқтисодиёт тармоқларининг тўла қувватда фаолият юритишини таъминлайди ҳамда қўллаб жаҳўларда истиқболдаги режаларни прогнозлаштириш имконини беради.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ («Халқ сўзи»)

# ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

## МУҲОЖИРЛАР УЧУН ЯНГИ ЧОРАЛАР

Келаси ҳафтада Россия Давлат думаси кенгаши чет эл фуқароларини мамлакатдан чиқариб юбориш асосларини кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳасини кўриб чиқади.

Бу ҳақда Давлат думаси Спикери Вячеслав Володин маълум қилди.

Таҳлилчиларнинг фикрича, агар мазкур қонун лойиҳаси қабул қилинса, муҳожирларни Россиядан чиқариб юбориш учун асослар сони икки баробар ошади. Янги асослар рўйхатига жамоат тартибини бузиш, хизмат вазифасини бажариш чоғида полиция ва Росгвардия ходимларининг талабларига бўйсунмаслик, шунингдек, ҳаётни таъминлаш объектлари ва транспорт инфратузилмаси ишига тўсиқлик қилувчи ҳаракатлар киритилади.

Қўшимча асослар сифатида интернетда инсон кадр-қимматини камситувчи материалларни тарқатиш, мамлакат Куролли кучларини обрўсизлантириш сифатида баҳоланадиган оммавий ҳаракатлар ёки Россия, унинг фуқаролари ёхуд компанияларига қарши санкциялар жорий этиш ёки уларни узайтиришга қақриқлар ҳам эътиборга олинган.

## ЭВЕРЕСТГА ЧИҚИШДА СУҒУРТА ФИРИБГАРЛИГИ СХЕМАСИ БОРМИ?

Ҳар йили минглаб одамлар дунёнинг энг баланд чўққиси — Эверестга чиқиш учун Непалга йўл олади. Ва ушбу мамлакат ҳудуди орқали чиқиш руҳсатномаси учун 9000 доллардан ортиқ маблағ тўланади. Қўшимча харажатларга усуналар, саёҳат, гид хизматлари ва агар зарур бўлса, касаллик ёки бахтсиз ҳодиса юз берганда фавқулодда эвакуация учун суғурта ҳам қиради.

Мамлакат полициясининг фикрича, маҳаллий гидлар суғурта компанияларидан катта тўловларни олиш учун атайлаб фавқулодда вазиятларни яратган бўлиш эҳтимоли бор. Масалан, кислотро етишмаслиги билан боғлиқ баландлик касаллиги аломатларини бўрттириб кўрсатиш орқали мижозлар кўрқитилган ёки баъзи гидлар овқатга атайлаб биқарбонат қўшиб, альпинистларнинг аҳволини ёмонлаштирган бўлиши ҳам мумкин.

Бу уларга қиммат эвакуацияларни ташкил қилиш ва кейин суғурта тўловларини қайта ишлаш имконини бериши. Мазкур схема иштирокчилари 2022 йилдан бери 20 млн. долларгача даромад олган бўлиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

## СЕМЕРУ ВУЛҚОНИ ЯНА УЙҒОНДИ

Индонезиянинг Шарқий Ява вилоятида 9 апрель куни Семеру вулқони камида тўрт марта ҳаракатга келгани қайд этилди.

Бу ҳақда “Antara” нашрида хабар берилди. Мутахассисларнинг айтишича, вулқон денгиз сатҳидан 4 676 метр баландликка кўтарилган. Расмийлар маҳаллий аҳоли ва сайёҳларга қизгин тошлар отилиши хавфи туфайли кратерга 5 километр масофагача яқинлашмаслиқни таъсия қилди.

Эслатиб ўтамиз, баландлиги денгиз сатҳидан 3 676 метрга етадиган Семеру вулқони Индонезиядаги тўртинчи катта вулқон ва Ява оролидаги энг баланд нуқта ҳисобланади. Бундан аввал Семеру вулқони жорий йилнинг 13 февраль куни беш марта отилган эди.

## ЖАНГОВАР ҲАРАКАТЛАРДА БОЛАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Гаитидаги куролли гуруҳларнинг қарийб 50 фоизини болалар ташкил қилади.

Бу ҳақда “CNN”даги хабарда таъкидланди. БМТ Бош қотибининг болалар ва куролли жоҳорлар бўйича сўнгги ҳисоботида кўра, биргина 2024 йилнинг ўзида пойтахт Порт-о-Пренсда камида 302 нафар бола жиний гуруҳлар томонидан ёлланган ва улардан, асосан, жанговар ҳаракатларда фойдаланилган. Бу ижтимоий тармоқларда тарқалган видеоларда ҳам кўзга ташланади.

Яқинда Гаитига БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан тасдиқланган “Гуруҳларни бостириш бўйича янги кучлар” (GSF)нинг биринчи бўлиналари етиб келди.

— “GSF” амалиётлари бошлангач, болалар бу гуруҳларни тарқ этишини кутмоқдамиз. Умид қиламизки, улар навбатдаги қурбонга айланмайди, — деди ЮНИСЕФнинг Гаитидаги бўлими раҳбари Гита Нараян.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, 2025 йилда жиний гуруҳларга қўшилган болалар сони 200 фоизга ошган.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТўЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.



## Гулзор оралаб мароқли саёҳат

Бешариқ туманида тажрибали тадбиркор сифатида танилган Шўхратжон Ҳўжақулов дастлаб ўз хонадонидан гул парваришларини йўлга қўйган эди.

Шу тариха оила аъзолари биргаликда астойдил меҳнат қилиб, 100 турдан зиёд анвойи гуллар етиштириб, гулчилик ва кўчатчилик соҳасида ўзига хос тажриба мактаби яратди.

Моҳир гулчилар оиласи ташаббуси билан ўтган йили “Кулолобод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 1 гектар майдонда гулзор ташкил этилди. Эътиборли жиҳати, шу ернинг ўзида қизиқувчилар учун гулзор оралаб мароқли саёҳат уюштириш имконияти мавжуд. Бу экотуризм ишқибозларига гоат манзур бўлаётди. Айниқса, баҳор ва ёз фаслида плантация Тошкент шаҳри, Фарғона водийси вилоятлари

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»)

## Қуёш панеллари жой танламайди

Офтоб нури мунтазам тушадиган, соясиз жой борки, “яшил” энергия воситасини ўрнатса бўлади. Шу боис бугунги кунда ҳар жиҳатдан фойдали қуёш панелларини фақат томларда эмас, симёғочларда, далаларда ва бошқа жойларда учратиш мумкин. Буни қарангки, улар автотурагоҳлар учун том ўрнини ҳам босяпти.

## «Яшил» энергия

Яқинда Гулистон шаҳридаги “Дўстлик” қанали қирғоғида ана шундай панеллар пайдо бўлди. Сирдарё вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан канал соҳилига офтоб тафтидан ток ҳосил қилувчи ўнлаб усуналар ўрнатилди. Натижда қирғоқбўйидаги сўлим хиёбонларни ёритадиган фонусларни узлуқсиз электр билан таъминлаш ва ортиқчасини умумий электр тармоғига узатиш имкони вужудга келди.

Эътиборлиси, айни пайтда Гулистон шаҳри марказий кўчаларига ҳам қуёш панелларини ўрнатиш бошланди. Маълум қилинишича, кўчаларни тунги ёритишга дастлабки босқичда 1200 та ускуна ўрнатиш мўлжалланган.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»)



## 12 — 17 апрель кунлари пойтахтимиздаги «Олимпия шаҳарчаси»да жойлашган яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган мажмуада XV жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 23 403 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Гезатнинг ҳақидаги маълумотларни оқиб олдиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; қотибмаст 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Тахриратга келган қўғамлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезатнинг муаллиф берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Гезатнинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.  
Мусаҳҳих — С. Исломов.

“Шарқ” нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.25 Топширилди — 03.55 1 2 3 4 5 6